Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 24 МАРТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (12.885)

Баҳоси эркин нархда

Сўз — халқаро кузатувчиларга

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ТЕНГЛИК ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИДА ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар мамлакатимизга келмоқда. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг мазкур сайлов кампаниясига оид кузатувлари, юртимиз ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

Ли ИХАЙ, Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Халқаро департамент директори (Хитой):

– Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Мамлакатингизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги юксалишлар, шаҳар ва қишлоқлардаги улкан ўзгаришлар эътиборга молик.

Ўзбекистон ғоят муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Мамлакат Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари, тарғибот-ташвиқот ишлари билан яқиндан танишиб чиқдим. Барча номзодларнинг сайловолди дастурлари ўзига хос ва долзарб аҳамиятга эга. Телерадиоканалларда сайловолди ташвиқотлари учун номзодларнинг ҳаммасига тенг эфир вақти, матбуот саҳифаларида бир хил жой ажратилган. Бу омил барча номзодлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилганидан далолат беради. Ўзбекистонда сайловолди ташвиқотлари тенглик, соғлом рақобат муҳитида юксак демократик стандартлар асосида ўтмоқда.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори (АҚШ):

– Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу мамлакатингизда демократия ва бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатингизнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтаётган сайлов жараёнини бевосита кузатиб, бу сиёсий тадбирга мамлакатда жуда катта тайёргарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдим. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг мамлакатингизнинг барча ҳудудларида сайловчилар билан учрашувларини, сайловолди ташвиқотларини катта қизиқиш билан кузатиб келяпман. Сайловчиларнинг номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга экани, аҳоли ва сайлов органлари ўртасидаги алоқа фаоллиги диққатга сазовор. Буларнинг барчаси мамлакатингизда Президент сайловининг очиқлик, ошкоралик, адолатлилик тамойилларига тўла мувофиқ, халқаро стандартларга мос ҳолда ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни мунтазам кузатиб бораман. Мамлакатингизда узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат туфайли ҳар соҳа, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳалар йил сайин тараққий этмоқда. Ўзбекистон сайлов тизими ҳам дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилишига ишончим комил.

Аҳмад ТАРАБИК, Қоҳира университетининг Осиё тадқиқотлари бўйича маркази директори ўринбосари (Миср):

– Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилиги халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омилларидандир.

Мисрда Ўзбекистонда қарор топган тинчлик, барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит юқори баҳоланади. Мамлакатингизда турли миллат ва элат вакилларининг ҳамжиҳатликда, тинч ва осуда ҳаёт кечираётгани ҳавас қилса арзигулликдир.

Президент сайлови Ўзбекистоннинг янада изчил ривожланиши ва мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлади, дейиш мумкин.

Шундай муҳим тадбир халқингизнинг севимли айёми – Наврўз байрами кунларига тўғри келганида ҳикмат, хосият бор, деб ўйлайман. Мен ҳам кўпчилик халқаро кузатувчилар қатори пойтахтингизда ўтказилган байрам тадбирида иштирок этдим. Мени ҳайратга солгани – майдонга кириб борганимизда барча йиғилганлар бизни ўрнидан туриб, қарсаклар билан кутиб олди. Бундай эҳтиромдан бошимиз осмонга етди, халқингизнинг бирдамлиги, юқори маданиятига қойил қолдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман. Барчага доимий тинчлик ва омонлик, бахту саодат тилайман. Мамлакатингиз тараққиёти бардавом бўлсин.

Муҳаммад Жаъфар СИДДИҚ, ёзувчи, публицист (Индонезия):

– Ўзбекистон тинчликсевар сиёсати ва юксак тараққиёти билан дунё эътиборини тортмоқда. Мамлакатингиздаги барқарор вазият, юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар, демократик тизим ва кучли фуқаролик жамияти Ўзбекистон танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини исботлади. Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти юқори экани мамлакатингиз келажаги буюклигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Марказий сайлов комиссияси сайловнинг қонунчиликка қатъий мувофиқ равишда очиқ ва ошкора ўтиши учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган. Хусусан, дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мазкур демократик жараённи кузатиш учун юзлаб халқаро кузатувчилар таклиф қилинган. Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини тенглик ва адолат тамойиллари асосида юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилишининг ёрқин намунасидир. Зеро, Ўзбекистон халқининг Ватан тақдири, унинг янада ривожланишига дахлдорлик туйғуси юқоридир. Президент сайлови юксак даражада ўтишига ишонаман.

Офтоб ҚОЗИЙ, АҚШнинг Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти тадқиқотчиси:

– Ўзбекистонда барча соҳаларда, хусусан, сайлов тизимида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган тамойиллар жорий этилиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистонга келиб, халқингиз сайлов руҳи билан яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз ишини мустақил, аниқ ва пухта режалар асосида олиб бораётгани сайловнинг кўнгилдагидек ўтишига хизмат қилади.

Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда қатнашиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Наврўз айёмининг жозибаси ва нафосатига мафтун бўлиб қолдим. Майдонга йиғилганларнинг барчаси жўр бўлиб куйлагани ва рақсга тушгани мени ғоят тўлқинлантирди. Меҳр-оқибат, тинчлик ва аҳилликни улуғловчи урф-одатларингизга яна бир бор гувоҳ бўлганимдан, тансиқ таомларингиздан татиб кўрганимдан хурсандман. Улар бир умр ёдимда қолади.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Президентимиз бундан роса бир йил аввал – 24 мартда Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорга имзо чеккан эди. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрланаётган ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда ташкил қилинган еттинчи халқаро олий таълим муассасасидир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ



Ёлқин Шамсиддинов олган суратлар

Университет фойесида эълонлар ва дарс жадвали осилган одатдаги доскалар ўрнига интерфаол мониторлар ўрнатилган. Ушбу мониторларда ўқув жараёни бўйича исталган ахборот, ҳатто талабаларнинг дарсларни ўзлаштириш рейтингигача тақдим этилган. Шунингдек, бу ерда ўрнатилган ва интернет тармоғига уланган ўнлаб компьютер талабалар ихтиёрида.

Мазкур университетнинг биринчи курс талабалари компьютер ва дастурий инжиниринг йўналиши бўйича билим олмоқда.

– Ўқув жараёни дунёнинг етакчи университетлари намунаси асосида ташкил этилган, – дейди Тошкентдаги Инха университети проректори Нурилла Маҳаматов. – Бу ерда талабаларга мамлакатимиз ва хориждан таклиф этилган профессор ҳамда мутахассислар дарс бермоқда. Бу эса ўқишда самарали натижаларга эришиш имкониятини бераётир.

Мутахассислик бўйича барча асосий фанлардан жанубий кореялик профессорлар сабоқ беради. Ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Жанубий Кореянинг Инха университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва билимини бойитиш мақсадида ўқув дастурига Ўзбекистоннинг янги тарихи, фалсафа, юриспруденция, маънавият ва маърифат асослари каби ижтимоий-гуманитар фанлар киритилган.

Университетда дарслар фақат инглиз тилида олиб борилади. Бу Президентимизнинг айрим махсус фанларни чет тилларда ўқитиш кўзда тутилган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳаётга самарали татбиқ этилаётганидан бир намунадир.

Инглиз тилини камида 5 балл даражасида билишни тасдиқлайдиган IELTS халқаро сертификати бўлиши лозимлиги университетга кириш шартларидан биридир. Бироқ бу ерда сабоқ олаётган билимга чанқоқ ёшлар тилни янада муфассал ўрганиши учун ўқув дастурига инглиз тили курси ҳам киритилган. Бунинг учун нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардан таклиф этилган мутахассислар ҳам жалб этилган. АҚШдан таклиф этилган профессор Алиша Хартгроув улардан биридир.

– Биринчи дарсга кирган пайтимдаёқ ўзбекистонлик ёшларнинг инглиз тилини билиш даражаси менда катта таассурот қолдирган эди, – дейди А.Хартгроув. – Талабалар инглиз тилида нафақат яхши сўзлашади, балки ўз ҳис-туйғуларини ҳам бемалол ифода эта олади. Бу ҳар қандай чет тилини ўрганишда мураккаб жиҳатлардан биридир. Бундан ташқари, улар инглиз тилида яхши ёзади. Буни уларнинг ёзма ишларида кўриш мумкин. Талабалар берилган барча топшириқларни астойдил бажаради. Менга уларнинг яна бир жиҳати ёқади, яъни улар инглиз тилида ҳазил-мутойиба қилишни хуш кўради.

Бўлажак муҳандис ва дастурчилар физика фанини ҳам пухта ўрганмоқда. Уларга ушбу фан бўйича маърузалар ўқиётган Брюссель эркин университети ўқитувчиси Людовик Арно ўз таассуротлари билан ўртоқлашаркан, талабаларнинг тайёргарлик даражаси кутганидан ҳам аъло эканини таъкидлади.

– Талабалар инглиз тилини яхши билиши туфайли улар билан тил топишиш қийин бўлмади, – дейди Л.Арно. – Улар фанни қунт билан ўрганмоқда, ўз устида ишлашдан чарчамайди. Муваффақиятлари ҳақида гапирадиган бўлсам, улар мен дарс бераётган Европа университетларидаги тенгдошларидан асло қолишмайди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳридаги Инха университети талабалари ўз билими, иқтидори ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Улар фақат ўқув аудиторияларида билим олиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳар бир талаба университетдаги юқори тезликда ишлайдиган симсиз интернет тармоғи ва замонавий гаджетлар – смартфон, планшет ва ноутбуклардан унумли фойдаланмоқда.

Университетда замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган уч ахборот-ресурс маркази, кутубхона, кенг ва ёруғ ўқув зали талабаларга хизмат кўрсатаётир. Улар юқори технологияли ускуналар билан таъминланган иккита лабораторияда эгаллаётган ўз назарий билимини синаб кўриш имкониятига ҳам эга.

Яратилган бундай кенг имкониятлар ёшларни ўқиш ва инновацион фаолиятда янги ютуқлар сари ундамоқда. Масалан, яқинда талабалар ўртасида ўтказилган дастурий таъминот танлови якунлари сарҳисоб қилинди. Унда «Notify» веб-иловасини яратган Нуриддин Эминохунов ва Муҳаммад Каримов ғолиб бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Тошкент гарнизони ҳарбий қисмларида йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг «Ватанга қасамёд» монументи олдида қасамёд қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда истиқлол йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. Чунончи, ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими такомиллаштирилиб, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қодир замонавий миллий армиямиз шакллантирилди.

Аскарлар ҳарбий оркестр садолари остида Ватанимиз, Президентимиз, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарёда йўловчи ва юк ташиш тизимида қабул қилинган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда солиқ ва бухгалтерияга оид қонунчиликдаги ўзгаришларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган Япония Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори Тецужи Танака раҳбарлигидаги кузатувчилар Сурхондарё вилоятида бўлди.

● Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● 25-27 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да иккита халқаро кўргазма ташкил қилинади. Булар —жорий йилда 15 марта ўтказилаётган халқаро «WorldFood Uzbekistan-2015» ҳамда 10 марта ўтказилаётган халқаро «Agroworld Uzbekistan-2015» кўргазмаларидир. Бугун ушбу кўргазмалар олдидан ОАВ учун матбуот анжумани ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Британия молия вазири Жорж Осборн бир фунт стерлинг танга пул дизайни муаллифи 15 ёшли ўсмир Дэвид Пирс эканини маълум қилди. Пирс янги танга пулнинг орқа томони дизайнини яратиш учун уюштирилган танловда ғолиб чиқди. Олти мингдан зиёд намунани кўздан кечирган ҳайъат Пирс тақдим этган дизайн усулини ҳам гўзал, ҳам ғояси содда, аммо чуқур маъноли эканини ҳисобга олиб, юқори баҳолади.

● Швециянинг Гетеборг шаҳри Хисинген оролидаги ресторанлардан бирида юз берган отишма чоғида камида икки киши ҳалок бўлиб, саккиз киши жароҳатланди. Воқеага гувоҳ бўлганларнинг ҳикоя қилишича, икки киши ресторанга кириб келиб, автомат қуролдан ўт очишган.

● Associated Press агентлиги Тунис миллий музейига ҳужум уюштирган икки ёки уч кишидан иборат террорчини қидириш давом этаётганини маълум қилган. Сўнгги маълумотларга кўра, миллий музейга уюштирилган террорчилик ҳаракати жараёнида 20 киши қурбон бўлди. Хавфсизлик кучлари ходимлари ҳужум қилганлардан икки нафарини отиб ташлашди ва гаровга олинган икки кишини қутқаришди.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА



Шайхонтоҳур туманидаги Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника, Яккасарой туманидаги Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейи ва Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги «INTERHOUS» академик лицейида ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ишончли вакили Ҳайдар Бобохоновнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувларда корхона, ташкилот, маҳалла, ўқув муассасалари ходимлари, партия фаоллари, талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбирлар аввалида юртимизда катта сиёсий жараён, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кетаётганлиги, бунда ҳар бир сиёсий партия кўрсатган номзоднинг бугунги кунда уларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этаётганлиги таъкидлаб ўтилгач, Ўзбекистон ХДПдан Президентликка кўрсатилган номзод — Ҳотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Ҳайдар Бобохонов номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ва Сайловолди дастури билан йиғилганларни таништириб ўтди.

Дастурда, энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофазаси ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратилган.

Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғояларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Бу борада қуйидаги йўналишларга устуворлик берилган.

Биринчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бунда бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналиши муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш ниҳоятда муҳимдир. Улар қаторига, аввалambор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Номзоднинг Сайловолди дастурида ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлиги ўз аксини топган.

Иккинчидан, сайловолди дастурида кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарурлиги белгиланган.

Бунинг учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш лозимлиги таъкидланган. Бунда уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдамнинг, асосан, кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, номзоднинг дастурида ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудалар ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммаси миқдорида, ўз ишини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг зарур товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш, уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш лозимлиги тўғрисида вазифалар белгиланган.

Учинчидан, иқтисодий сиёсатдаги асосий сиёсий устуворлик, бу давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш, шу орқали уни аҳолининг, аввалambор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлар турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдир.

Шу мақсадда иқтисодий соҳада сайловолди дастурида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

— тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фоиз ставкаларини белгилаш, муомоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш.

Тўртинчидан, Ҳотамжон Кетмоновнинг сайловолди дастурида аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ҳам асосий вазифалардан бири эканлиги қайд этилган.

Мазкур соҳада бирламчи тиббий ёрдамдан, айниқса, олис қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолиси учун қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш лозим.

Шунингдек, номзоднинг сайловолди дастурида демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ташқи сиёсат масалалари бўйича ҳам ўз таклифлари бор.

Сўнг номзод ва унинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқчи бўлганларга сўз берилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг чет тиллар кафедраси мудири, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Лола Илиева, Яккасарой туманидаги 58-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Назокат Гуломова, Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши раиси в.б. Азат Хаджимуҳамедов ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ва унда илгари сурилаётган масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Учрашувларда қатнашаётганлар Сайловолди дастури бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан номзоднинг ишончли вакилига мурожаат қилиб, атрофлича жавоб олдилар.

Йиғилишда кўтарилган масалалар, ечилиши лозим бўлган муаммолар ва берилган таклифлар атрофлича таҳлил қилинди ҳамда бўлажак сайловларда ҳар бир сайловчининг ўзининг конституциявий ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, фаол қатнашишига даъват этилди.

Ўзбекистон
Халқ демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ — БОШ МАҚСАД



Сергели туманидаги 21-мусиқа ва санъат мактаби, Яшнобод туманидаги ихтисослаштирилган хотин-қизлар касб-ҳунар коллежида, Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВНИНГ ишончли вакили Феруза Муҳитдинованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси шаҳар ва туман кенгаши вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, партия фаоллари ва сайловчилар иштирок этишди.

Учрашувларда амалдаги сайлов қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фақатгина сиёсий партиялардан кўрсатилиши белгилаб қўйилганлиги, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар ушбу сиёсий жараёнда иштирок этиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ҳужжат тақдим этишгани, ҳозирда республикамиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзод ўз сайловолди дастури билан таништириш ишларини олиб бораётгани таъкидлаб ўтилди.

Ишончли вакил Феруза Муҳитдинова номзод Акмал Саидовнинг меҳнат фаолияти, иш тажрибаси, олим сифатида яратган илмий ишлари борасида батафсил маълумот берди.

Йиғилишларда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий қадриятлар, юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисобланади.

Яқин келажакдаги бош мақсадимиз, бу – миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Ушбу эзгу мақсадларга эришишга қаратилган Сайловолди дастури еттита устувор йўналишдан иборат бўлиб, асосий ғоялар ва вазифалар партиянинг ўтган йили халқ вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловдаги Сайловолди платформаси асосида шакллантирилди.

Хусусан, ижтимоий-сиёсий соҳада миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини таъминлаш йўналиши бўйича:

— миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур;

— маҳалла миллий демократик институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалла ролини кучайтириш лозим;

— давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш, бунинг учун маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш ҳамда амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий этиш керак;

— мамлакатимизда диний, миллий ва маданий бағрикенглик муҳитини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш каби вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Партиянинг асосий мақсадини ифода этадиган шиори шундай: «Миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари!»

Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналиши бўйича «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳар доим миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берган ва бундан кейин ҳам муҳим эътибор қаратади. Шу боис бу борада ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, бой маданияти ва анъаналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва бойитиш, эл-юртимиз ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш улкан аҳамиятга эга. Миллий қадриятларимиз ҳимояси – партиянинг бош вазифасидир.

Шундан сўнг номзоднинг дастури юзасидан ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши девони раҳбари Даврон Сафаров сўзга чиқиб, дастурнинг кенг қамровлилигини таъкидлаб ўтди.

Ихтисослаштирилган хотин-қизлар касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси У.Хуррамов ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилардан Р.Бегалиев ва Г.Собировалар эса номзоднинг дастури юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга етарлича жавоб олишди.

Тадбир сўнгида сайловчилар 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш ва ҳар бир номзоднинг дастури билан танишган ҳолда ўзларининг сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, муносиб деб билган номзодга овоз беришга чақирилди.

Ўзбекистон
«Миллий тикланиш»
демократик партияси
Тошкент
шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

ЛАТВИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда Латвияда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижаларининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг Ригадаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Латвия Сейми депутатлар корпусининг қатор вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида фуқаролик жамияти институтларини янада мустаҳкамлаш, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар мувозанатининг таъминланиши бўйича конституциявий меъёрларни такомиллаштириш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирлари ҳақидаги маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Давра суҳбати чоғида шу йил 29 мартига белгиланган Президент сайловига тайёргарлик кўрилиши ва унинг ўтказилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистон ўзининг сайлов тизимини босқичма-босқич ва изчил ислоҳ этиш, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ҳамда жамият қурилишида эркин ва фаол иштирок этишлари учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий шарт-шароитларни яратиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Шу ўринда кўп партиявийлик, муқобиллик ва демократия асосидаги сайловларнинг ошкоралик ҳамда шаффофлик тамойилларига эга бўлган республикамиз сайлов тизими тараққиётидаги асосий босқичлар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Латвия Сейми спикерининг ўринбосари Инесе Либиня-Эгнере Президент сайловида кузатувчи бўлиб иштирок этиш юзасидан мамлакатимизга таклиф қилингани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик изҳор этди.

— Мамлакат ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий воқеада қатнашиш учун Ўзбекистонга борадиган Латвия Сейми делегациясига раҳбарлик қилиш менга катта шарафдир, — деди у. — Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг юксак мақсадларни кўзлаган ҳолда аввалбошданоқ танлаб олган йўлидаги бундан кейинги тараққиёти олдинда турган сайловнинг натижаларига боғлиқдир.

Латвия парламенти спикерининг ўринбосари Европа Иттифоқи мамлакатлари, шу жумладан, Латвия ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёнинг ўта муҳим давлати, минтақа тинчлиги ва барқарорлигининг кафолати сифатида қарашини айтди. «Бу баҳо кўпгина юқори лавозимли сиёсатчилар ва таниқли хорижий экспертларнинг холис нуқтаи назарларига асосланган, дея таъкидлади у.

Инесе Либиня-Эгнеренинг эътироф этишича, мустаҳкам иқтисодий асосларнинг яратилгани ҳамда барқарор сиёсий муҳитнинг мавжудлиги Ўзбекистонга ҳокимиятнинг барча тармоқларини мувофиқлаштириш, парламентнинг ўрнини мустаҳкамлаш ва унга Президент ваколатларининг муайян қисмини бериш, демократия қадриятларига эга бўлган давлатни барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳотларни ҳамда ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш имконини берди.

У Ўзбекистондаги барқарорлик ва мустақиллик йиллари давомида қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичлари мамлакатда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари ҳимояси, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг амалий натижаси эканлигини қайд этди.

— Мамлакатни янада демократлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллиги, сўз, ахборот ва сайлов эркинлиги ҳамда сайлов тизими ва фуқаролик институтлари тараққиётини таъминлаш учун конституциявий меъёрларни мустаҳкамлаш масалаларида Ўзбекистон тўплаган тажриба мутахассис сифатида мени қизиқтиради, — деди у. — Менинг фикримча, давлат қурилиши соҳасида Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартиришлар, шубҳасиз, мамлакат Президенти, парламенти ва ҳукумати ваколатларини, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти ўртасидаги тийилиш ва мувозанат механизмларини янада мақбуллаштиришни таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда вакиллик органларининг мамлакат ҳудудларидаги давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни сезиларли даражада ошгани, улар мустақиллиги ва ваколатлари доирасининг кенгайгани қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши юзасидан ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини оширади.

Умуман олганда, яратилган ана шундай меъёрий-ҳуқуқий замин дунёда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлди, деган фикрга қўшиламан. Биз эга бўлган статистика маълумотларида кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг суръатлари 8 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этаётгани қайд этилган. Саноат ишлаб чиқариши, сармоялар ва аҳолининг реал даромадлари ҳажми ҳам изчил ўсиб бормоқда.

Биз Ўзбекистон эришган муваффақиятларни юқори баҳолаймиз ва республиканинг ўзи белгилаб олган тараққиёт йўналишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланган ҳолда, мамлакат раҳбариятини, ҳамкасбларимни ва Ўзбекистоннинг барча халқини баҳор айёми, янгиланиш ҳамда меҳр-мурувват байрами – Наврўзи олам билан табриклайман. Барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, эзгулик ва янада гуллаб-яшнаш йўлида Ўзбекистонга ўзимнинг эзгу тилакларимни билдираман.

«Жаҳон» АА
Рига

Сайлов — 2015







Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан сайловолди ташвиқоти доирасида барча партиялардан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган сайлов штабида сайловга пухта ҳозирлик кўрилмоқда

Ушбу жараёнда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб қилиш, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари иштирокида сайловолди ташвиқотини юқори савияда ташкил этишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган сайловолди штаби раҳбари, O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тўрабек Назаров бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш учун сайлов кампаниясини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашида сайловолди штаби 2015 йил 7 январда ўтказилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши қарорига асосан ташкил этилди.

Сайловолди штаби 20 кишидан иборат бўлиб, штаб телефон, факс, 9 та компьютер, 5 та принтер, 2 та ксерокопия аппарати, байроқчалар, партия логотипи ва штендерлар ҳамда сайловга тааллуқли бўлган қўлланмалар билан таъминланган, интернет тармоғи уланган ва электрон почталари ишлаб турибди. Штабда навбатчилик ташкил этилган. O'zLiDePнинг барча Кенгашларида сайловолди штаблари ташкил этилиб, бугунги кунда фаол фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясидаги иштироки бўйича сайловолди штабининг асосий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва шу асосда фаолият олиб борилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар партия ташкилоти сайловолди штабларида тарғибот гуруҳлари тузилиб, ҳозирги кунда ўз ишини жойларда фаол олиб бормоқдалар. Масалан, «Сайлов жараёнининг демократлашуви ва сиёсий партияларнинг ўрни», «Мустақиллик йилларида сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг такомиллашиши», «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сайловнинг аҳамияти», Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаси ва ундан келиб чиқадиган партия тузилмаларининг вазифалари, «Президент сайловида аёллар-сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар партия ташкилоти сайловолди штабларида тарғибот гуруҳлари тузилиб, ҳозирги кунда ўз ишини жойларда фаол олиб бормоқдалар. Масалан, «Сайлов жараёнининг демократлашуви ва сиёсий партияларнинг ўрни», «Мустақиллик йилларида сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг такомиллашиши», «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сайловнинг аҳамияти», Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаси ва ундан келиб чиқадиган партия тузилмаларининг вазифалари, «Президент сайловида аёллар-сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши сайловолди штабининг йиғилишлари режа асосида ўтказиб келинмоқда. Штаб йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этиш юзасидан O'zLiDeP фаоллари амалга оширган ишлар тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда. Гап, биринчи навбатда, халқимизнинг эртанги куни, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида бораётганини қайд этиб ўтиш лозим.

Бу жараёнда кенг жамоатчилик, айниқса, электорат орасига чуқурроқ кириб бориш, уларни O'zLiDePдан қўйилган номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан батафсил таништиришда тарғибот-ташвиқот материалларидан фойдаланиш муҳим омил бўлишига эътибор қаратилган.

Шунингдек, йиғилишларда O'zLiDeP Тошкент шаҳар партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган тарғибот гуруҳлари ишларини янада фаоллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз экан, бунга фақат халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. 29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни халқимиз ўз хоҳиш-иродасини билдириб, юқорида қайд этилган хайрли мақсадлар учун овоз беради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати







Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизғин давом этмоқда. Барча партиялардан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари жойларда сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган сайлов штаби фаолияти қизғин паллага кирди

Жумладан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг дастурида илгари сурилган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб қилиш, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари иштирокида сайловолди ташвиқотини юқори савияда ташкил этишга қаратилган ишлар ҳам фаол амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича штаб раҳбари Парида Парманова билан суҳбатимиз ана шу ҳақда кечди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ҳаёти ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, тарихий паллага кирди, — дейди П.Парманова. — Зеро, мамлакат Президентини сайлашдек улкан ижтимоий-сиёсий воқеадан бирон-бир фуқаро четда қолиши мумкин бўлмаганидек, сайлов ҳар қандай сиёсий партия ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳимдир.

Албатта, ҳар бир сиёсий партия демократия кўзгуси бўлмиш сайловларда иштирок этар экан, ўзининг ғояси, мақсад-муддаоларини акс эттирувчи сайловолди дастурини ишлаб чиқади ва шу орқали халқнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилади.

Шу нуқтаи назардан, аввало Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг дастурида илгари сурилган энг устувор йўналишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Албатта, номзоднинг дастурида илгари сурилган ғоялар партиямиз сайловолди дастуридаги асосий йўналишлардан келиб чиққан.

Масалан, барча соҳаларда қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, жамоатчилик назоратини қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётда инновацион ғояларни жорий этиш ва муқобил энергетика тизимини барпо қилиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Бу борада «Инсон — мамлакатнинг асосий бойлиги», «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун» каби тамойилларни ҳаётимизга кенг жорий этиш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Сайлов кампанияси даврида ташкилий-сиёсий тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳудудий ва маҳаллий сайлов штабларимиз раҳбарлари учун Тошкент шаҳар сайлов штаби томонидан семинар ва сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда. Уларда масъулларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатилган номзод ва унинг фаол иштироки – жамиятни янада либераллаштириш ва демократлаштиришнинг гарови» ва бошқа мавзуларда тадбирлар, семинарлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши сайловолди штабининг асосий тадбирлар режасига асосан O'zLiDeP томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакили Зайниддин Низомходжаевнинг сайловчилар билан учрашуви жадвали ишлаб чиқилди ва унга асосан шаҳримиздаги ўн битта тумандаги олий таълим даргоҳлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва маҳаллаларда ишончли вакилнинг ишончли вакили томонидан жойларда ўтказилаётган учрашувларни қонунда белгиланган тартибда, юқори савияда, таъсирчан усуллар ва воситалар асосида ўтказилишини таъминлаш, халқаро кузатувчилар билан учрашувлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, сайлов штабида фуқароларнинг қабули учун шароитлар яратиш, уларнинг савол ва мурожаатларига ўз вақтида жавоб йўллаш каби ишлар бўйича маслаҳат, кўрсатмалар берилмоқда. Уларнинг сиёсий билим, тажрибалари мустаҳкамланмоқда.

— Сайловолди тарғиботи жараёнида қандай шакл ва усуллардан фойдаланилмоқда?

— Шу ўринда, сайловолди тарғиботини барча сиёсий партиялар учун тенгликда, бир хил шароитларда ташкил этишда шаҳар округ сайлов комиссиясининг фаоллиги, ташаббускорлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ушбу жараёнда адолат тамойиллари тўлиқ таъминланмоқда.

Энг муҳими, жойларда сайловолди ташвиқоти кампанияси доирасида ўтказилаётган учрашувларда сайловчиларнинг фаол иштироки уларнинг номзодлар сайловолди дастурлари билан, мамлакат аҳамиятига молик масалалар юзасидан номзодларнинг нуқтаи назарлари билан қизиқаётганликларида яққол намоён бўлмоқда.

— Сайловолди тарғиботини самарали амалга оширишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Партия томонидан ОАВ билан ҳамкорлик борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳақиқатдан ҳам тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш ҳамда фуқаролар орасига янада чуқур кириб боришда айнан ОАВлар муҳим роль ўйнайди.

Номзоднинг сайловолди ташвиқоти давридаги фаолияти ва унга доир хабарлар республика ахборот агентликлари ва маҳаллий ҳокимиятлар электрон сайтларида, информацион порталларда, мамлакатимиздаги мавжуд нодавлат оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилинмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, сайловолди ташвиқотининг муҳим воситаларидан яна бири ташқи реклама ва шиорлар саналади. Айни пайтда сайловолди ташвиқоти доирасида Тошкент шаҳрида Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирувчи жами 59 та баннерлар ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб, реклама тахталарига жойлаштирилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, сайловолди ташвиқоти даврида ОАВда чиқишлар ва фуқаролар билан учрашувлар орқали вакилларимиз партиямиздан кўрсатилган номзоднинг дастуридан ўрин олган устувор вазифаларни сайловчиларга пухта ва батафсил етказиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирокимизни таъминлашга интилмоқдалар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Биз интернет орқали ишлайдиган эълонлар электрон доскасини яратдик, — дейди Н.Эминохунов. — Ундан ўқув жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Мисол учун, ўқитувчи талабаларга дарс қачон ва қайси аудиторияда бўлиши ҳақида хабар қолдириши мумкин. Ҳозир ўз дастуримиз имкониятларини кенгайтириш устида ишламоқдамиз.

Ғолибларнинг сўзларига кўра, улар веб-ишланмани яратиш ишларини университетга ўқишга киришдан аввал бошлаган. Инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган сайт уларнинг дастлабки лойиҳасидир.

Азимжон Абдижалилов ҳам инновацион фаолиятни яхши билади. Коллежда ўқиб юрган пайтидаёқ сув сатҳини ўлчаш микросхемаларини бошқарадиган дастур ишлаб чиққан. Айни пайтда у инновацион маҳсулотини ишлаб чиқишни якунлаш арафасида ва ўз кашфиёти учун патент олишни режалаштирмоқда.

Университетда талабаларнинг яшаши ва дам олиши учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Вилоятлардан келган ёшлар университет талабалар турар жойида яшамоқда. Улар олий ўқув юрти ҳудудида барпо этилган футбол ва баскетбол майдонларида дарсдан сўнг ушбу спорт турлари билан шуғулланиши мумкин.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳаёти ва ўқув жараёни сифати кишида катта таассурот қолдиради. Олий ўқув юрти раҳбарияти университет имкониятларини янада кенгайтириш стратегиясини белгилаган. Масалан, талабаларни информацион технологиялар саноатидаги энг сўнгги янгиликлар билан бевосита таништириш мақсадида «Microsoft», «HP», «SAP», «Oracle», «IBM», «CISCO», «Samsung», «LG», «ESET», «Softline» ва бошқа жаҳонга машҳур халқаро корпорациялар ҳамда мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган. Назария ва амалиётни бу тарзда уйғунлаштириш, шубҳасиз, келажакда мамлакатимизда ҳам бу борада етук муҳандис ва дастурчиларнинг янги авлодини тарбиялаш имконини беради.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ МАТБУОТ НИГОҲИДА

Халқаро болалар ташкилоти — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш марказининг «Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазаси бўйича хизматларни такомиллаштиришнинг ОАВда ёритилиши» лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, таълим тизимида олиб борилган ислоҳотлар, уларнинг самараси, эришилган ютуқлар тўғрисида фикр юритиб, ОАВ вакилларини аҳолимизга соғлом авлодни тарбиялаш мақсадларига йўналтирилган вазифаларни янада фаол ёритишга чақиришди.

Тадбирда иштирок этган журналистларга мақола тайёрлаш бўйича мавзулар ва йўналишлар берилди. ОАВ вакиллари Халқ таълими вазирлиги мутахассисларидан мавзуга оид материаллар савиясини юксалтириш ва аҳамиятини ошириш учун зарур бўлган маълумотларни олдилар.

Давра суҳбатида мактабгача таълим сифатини янада ошириш, таълим муассасаларида бола ҳуқуқларининг таъминланиши ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданият ва санъат кўргазмаси залида баҳорий байрамларга бағишланган «Қандай гўзал бу олам...» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмада таниқли аёл рассомларнинг асарлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазмалар

ГЎЗАЛ ОЛАМ ТАСВИРЛАРИ

Ушбу кўргазмага ўзига хос услубда яратилган тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари намуналари ҳамда амалий санъатнинг каштачилик, кулолчилик буюмлари қўйилган.

Вернисаждаги тасвирий санъатнинг ҳар хил йўналиш ва жанрларида ишланган мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги гўзал табиат манзаралари, табиат инъомлари, йил фасллари ва уларнинг турли ҳолатлари, меъморий ёдгорликлари, ҳаёт фалсафаси акс этган асарлар киши эътиборини тортади. Улар орасида муаллифларнинг «Хумсонда эрта баҳор», «Бурчмулла», «Чимёнда баҳор», «Наврўз», «Август ва сентябрь», «Ўтмиш ва келажак», «Қуёш кун», «Куз маҳали», «Тарвузлар. Кечки ёз» каби асарлари ўрин олган.

Кўргазма жорий йилнинг 2 апрелига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи



БАҲОР МАЛИКАЛАРИ

Янгиланиш ва яшариш байрами Наврўзни ҳар йили иштиёқ билан кутамиз. Наврўз доим дилларни дилларга бирлаштиради, барчани самимийликка чорлайди. Ана шундай шодиёна кунларда Наврўзга бағишлаб жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

«UZTEX TASHKENT» қўшма корхонасида ташкил этилган «Баҳор маликалари» кўрик-танлови ҳам жуда қизиқарли ўтди. Наврўз байрамига бағишланган ушбу тадбир танишув, расм чизиш, эркин мавзу, ким чаққон уй бекаси каби шартлар асосида ўтказилди ва йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Наврўз халқимизнинг узоқ тарихга эга бўлган миллий байрами ҳисобланади, — дейди «UZTEX TASHKENT» қўшма корхонасининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича мутахассиси Дилноза Фариева. — Наврўз билан бирга ўзбекона урф-одатларимиз ҳам бўй кўрсатади. Бугунги кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам корхонада фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Кўрик-танловда ўз маҳоратларини, иқтидорларини намойиш этган қизлардан Муниса Эшбоева биринчи, Заҳро Абдусаматова иккинчи, Ирода Умарова учинчи ўринларни эгаллашди.

— Юртимиз аёллари меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, оилапарварлиги, меҳр-муҳаббати ва ишбилармонлиги билан жамиятимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар, — дейди «UZTEX TASHKENT» қўшма корхонасининг раҳбари Равшанбек Йўлдошев. — Наврўзга бағишланган кўрик-танловимизда қизларимизнинг ҳар бир чиқиши бизнинг кўнглимизга ажиб бир ҳаяжон, қувонч бахш этди.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

24 март — Бутунжаҳон силга қарши кураш куни

ПРОФИЛАКТИКА УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРА БЕРАДИ

Сил касаллиги ҳавфли юқумли касаллик бўлиб, у кўпинча (80 фоиз ҳолларда) ўпкани емиради. Сил ўпкадан ташқари, суяк ва бўғимлар, лимфа тугунлари, мия пардалари, жинсий аъзолар ва камдан-кам ҳолатларда тери ва бошқа аъзоларни ҳам шикастлаши мумкин.

Сил касаллиги соғлом одамларга ушбу хасталикка чалинган ва даволанмаётган бемордан юқади. У йўталганида, акса урганида ва ҳ.к. атроф-муҳитга (ҳавога) сил касаллиги қўзғатувчиларини тарқатади. Сил касаллиги қўзғатувчилари бўлган ушбу ҳаводан нафас олган соғлом одам келгусида мазкур хасталик билан оғриши мумкин. Яъни сил касаллиги одамга асосан ҳаво-томчи йўли орқали юқади.

Икки ҳафтадан ортиқ йўтал, балғам ажратилиши, ҳолсизланиш, терлаш, иситма, иштаҳанинг йўқотилиши сил касаллигининг асосий белгиларидан саналади. Сил касаллиги белгилари бўлган бемор турар жойига яқин жойлашган оилавий поликлиникага, қишлоқ врачлик пунктига ёки шаҳар врачлик пунктига мурожаат қилиши лозим. У ерда касалликка диагноз қўйилиши учун бемор текширувдан ўтказилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сил касаллиги наслдан наслга ўтмайди. Касал ота-оналарнинг болалари одатда соғлом туғиладилар. Лекин, ота-оналар фаол даволанмасалар, эҳтиёт чораларини кўрмасалар, чақалоққа сил касаллиги юқиши ва у касалланиши мумкин.

Агар касаллик вақтида даволанмаса, у бемор ҳолатининг ёмонлашувига, касалликнинг сурункали шаклига ўтишига ва айрим ҳолларда ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, касаллик даволанмаса, атрофдаги одамларни хавф остида қолдиради, чунки, даволанмаётган бемор атрофга сил таёқчаларини тарқатиб соғлом одамларни зарарлантиради.

Ушбу хасталикка чалинганлар хавотир олмасликлари керак. Зеро, сил касаллигига маълум микроорганизмлар – сил касаллигининг қўзғатувчилари сабаб бўлади. Бугунги кунда сил касаллигининг ривожланишига олиб келадиган ушбу микроорганизмларни нобуд қилувчи самарали дори воситалар ёрдамида силни бутунлай даволаш мумкин.

Энг муҳими, сил касаллигини иложи борича эрта аниқлаш ва беморни даволашни бошлашдир, чунки бундай беморлар сил касаллигини тарқатувчи асосий манба ҳисобланади. Бошқа самарали профилактика усуллари – бу махсус ва номахсус профилактика (силга қарши эмлаш, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, хоналарни мунтазам равишда шамоллатиб туриш).

Мамлакатимизда сил касаллигини даволаш бепул бўлиб, касалхонадаги жой, сил касаллигига қарши препаратлар, тиббий хизмат кўрсатиш учун пул тўланмайди. Даволашнинг амбулатория босқичида ҳам хизмат кўрсатиш ва сил касаллигига қарши препаратлар бепул тақдим қилинади.

Лола ҚАЛАНДАРОВА,
Тошкент шаҳар силга қарши кураш диспансери бош шифокори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамшаҳарларимиз диққатига!

ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

ДУК «Сувсоз» катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларининг олиб борилиши, шунингдек, 2015 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

30 март соат 21.00 дан 31 март соат 12.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** Чилонзор 24-мавзе 55, 2д-уйларда, Чилонзор 25-мавзе 41-уй, Г-9А мавзе 28-уй, Чилонзор 11-мавзе 1а, 1б, 1в, 28, 29, 49а, 50а, 51, 52-уйларда, Чилонзор 12-мавзе 1а, 2а, 3а, 4а, 14, 65, 66-уйларда, Чилонзор 13-мавзе 1а, 1, 2, 47-уйларда, Чилонзор 15-мавзе 12-уй, Чилонзор 23-мавзе 45, 47, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 68, 69-уйларда.

31 март соат 09.00 дан 1 апрель соат 09.00 гача

1.Сув бўлмайди: — **Яшнобод тумани бўйича:** «Бунёдкор», «Висол» маҳаллаларида, Мўйноқ кўчасида.

2. Босим пасаяди: — **Яшнобод тумани бўйича:** «Давр» маҳалласида, Фарғона йўли 3, 10-тор кўчалари, Фарғона йўли 9-боши берк кўчасида.

1 апрель соат 09.00 дан 2 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Феруза мавзеси, «Катта Яланғоч ота» ва «Феруза» маҳаллаларида

4 апрель соат 09.00 дан 5 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Яккасарой тумани бўйича:** Юнус Ражабий номли маҳаллада.

6 апрель соат 09.00 дан 7 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Қозоғистон элчихонаси, «Кохота» маҳалласида.

2. Босим пасаяди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Марказ-13, 14, 15-мавзелари, Алишер Навоий кўчасида.

7 апрель соат 09.00 дан 8 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** 9-Иссиқлик қозонхонасида.

2. Сув бўлмайди: — **Тошкент вилояти, Зангиота тумани бўйича:** «Мустақиллик», «Навбаҳор», Муҳсин Мусаев маҳаллаларида.

3. Босим пасаяди: — **Учтепа тумани бўйича:** «Ўрикзор», «Кўксарой» маҳаллаларида.

8 апрель соат 09.00 дан 9 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Турон санаторийси, Шўртепа, Бинокор, Турон, Жасорат ва Моҳларойим кўчаларида.

2. Сув бўлмайди: — **Яшнобод тумани бўйича:** Ҳуснобод маҳалласида

3. Босим пасаяди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Юзробот кўчасида.

13 апрель соат 09.00 дан 14 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Миробод тумани бўйича:** «Файзиобод», «Оқ уй» маҳаллалари, Қўйлиқ 1, 2, 3, 4-мавзеларида.

2. Босим пасаяди: — **Сергели тумани бўйича:** Қўйлиқ 5, 6, 7-мавзеларида.

14 апрель соат 09.00 дан 15 апрель соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Мукаррама Турғунбоева, Боғиравон, Аҳмад Дониш кўчаларида, Жомий номли маҳаллада.

16 апрель соат 09.00 дан 17 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** Чилонзор 23-мавзе 39-уйдан 42-уйгача, Чилонзор 12-мавзе 7а-уй, Чилонзор 26-мавзе 2-уйда.

2. Сув бўлмайди: — **Чилонзор тумани бўйича:** «Қатортол» маҳалласи, Лутфий кўчаси ва тор кўчаларида 93, 94-кўп қаватли уйларда, Чилонзор 8-мавзе 58, 54-уйларда, Чилонзор 9-мавзе 19, 27, 28-уйларда

22 апрель соат 09.00 дан 23 апрель соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** «Яланғоч» маҳалласи, Неъмат, Олимлар, Навниҳол, Гулбаданбегим, Мағрур, Майлисой, Тепамасжид, Яланғоч, Музробод кўчаларида, 1-Иссиқлик қозонхонасида.

2. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Наманган, Боғишамол, Қизилқўрғон, Ўртасарой, Машинасозлар, Гулбоғ кўчаларида, Чаманзор кўчаси тор кўчалари билан бирга.

27 апрель соат 09.00 дан 28 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** Изза мавзесида.

2. Сув бўлмайди: — **Тошкент вилояти, Зангиота тумани бўйича:** «Токзор» маҳалласида.

28 апрель соат 09.00 дан 29 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Қорасув-1, 2, 3, 4-мавзеларида, Гулсара, Ўқитувчи, Шамс, Баҳодир, Газалкент, Шукур Бурҳонов, Интизор кўчаларида, Садаф, Фазо боши берк кўчалари билан бирга, 2-Иссиқлик қозонхонасида.

29 апрель соат 09.00 дан 30 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** 1, 2-Зиёкор маҳаллаларида, Қипчоқ кўчасида, Қурувчилар мавзесида.

2. Сув бўлмайди: — **Тошкент вилояти, Зангиота тумани бўйича:** «Номданак», Беруний, «Янгитурмуш», «Хонобод» маҳаллаларида.

3. Босим пасаяди: — **Сергели тумани бўйича:** Сергели 3, 4-мавзеларида.

30 апрель соат 09.00 дан 30 апрель соат 13.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** «Мингўрик», Фирдавсий маҳаллалари, Бодомзор кўчасида.

30 апрель соат 09.00 дан 1 май соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Осиё, Ниёзбек йўли ва тор кўчаларида, Халқобод, Олой бозори тор кўчаларида

2. Сув босими пасаяди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Ниёзбек йўли 3-тор кўчасида, Марказ-4-мавзесида.

4 май соат 09.00 дан 5 май соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Миробод тумани бўйича:** Янгизамон мавзесида.

5 май соат 09.00 дан 6 май соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** «Нўғойқўрғон», «Чоштепа», «Қумариқ» маҳаллаларида, Саъдий, Чоштепа кўчаларида.

6 май соат 09.00 дан 8 май соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Нейрохирургия шифохонаси, Ҳумоюн, Аҳмад Югнакий мавзеларида.

6 май соат 21.00 дан 7 май соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича**: — Амир Темур шоҳ кўчаси, Шаҳристон кўчаларида.

2. Сув бўлмайди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича**: — Лабзак кўчасида.

3. Босим пасаяди: — **Юнусобод тумани бўйича**: Юнусобод 2-мавзе, «Оқибат» маҳалласида.

4. Босим пасаяди: **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Марказ 13, 14, 15.

7 май соат 09.00 дан 8 май соат 12.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Яшнобод тумани бўйича:** Қурувчилар мавзесида.

12 май соат 09.00 дан 13 май соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича**: Тараққиёт кўчасида.

2. Босим пасаяди — **Яшнобод тумани бўйича:** Хоразм кўчасида.

13 май соат 09.00 дан 14 май соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** «Баҳор» маҳалласида, Дўстлик кўчасида, Йўлдош 4-мавзесида.

2. Босим пасаяди: — **Сергели тумани бўйича:** Йўлдош 6, 9-мавзеларида.

14 май соат 09.00 дан 15 май соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Яшнобод тумани бўйича:** Тузель 1, 2, 3, 4-мавзеларида

2 июнь соат 09.00 дан 3 июнь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Олмазор тумани бўйича:** — Рўзи Ашуров, «Ниҳол» маҳаллаларида, Мойқўрғон кўчасида.

2. Босим пасаяди: — **Олмазор тумани бўйича:** Қорақамиш - 2/3, 2/4, 1/4, Тансиқбоев-1-мавзеларида, Мирзо Ғолиб, Парвариш, Келес йўли кўчаларида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.
Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига АТ «Алоқабанк»нинг 2015 йил 18 мартдаги 30-20/804-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 288-уйда жойлашган, ер участкасининг майдони 0.0407 га бўлган офис биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 273 330 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 29 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2015 йил 27 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2015 йил 29 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йилнинг 14 ва 29 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йилнинг 14 майдаги савдо учун 12 май куни, 29 майдаги савдо учун 27 май куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража илиқ, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 март** куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 19.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ